

## Fuqarolar Familyasi Va Ismini O`Zgartirishi Mumkinmi?

**Холмуродов Бунёд Бекмурот ўғли**

Навоий вилояти юридик техникуми ҳуқуқшунос ўқитувчиси

**Мавлонов Азизбек Рустам ўғли**

Навоий вилояти юридик техникуми ўқитувчиси

**Аннотация:** фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли.

**Калит сўзлар:** фамилия, исм, ота исми, ариза, ФХДЁ, никоҳ.

Хар бир фуқаро ўз исмини, фамилиясини, ота исмини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлгач, турар-жойдаги ФХДЁ органи томонидан (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани қаердан олган бўлишидан қатъи назар) кўриб чиқилади. Бунда фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт билан мурожаат қилади.

Фуқароларнинг бу борадаги аризалари фамилия, исм ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса, улар миллатига тўғри келмаса, хоҳишга қараб никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда, оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги туғилганда (агар никоҳ тузиш пайтида ер-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса) ФХДЁ бўлими томонидан узрли деб топилган бошқа асосларга кўра 45 кун давомида кўриб чиқилади. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартирганлик учун белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

Фуқаролик кодексининг 19-моддасига асосан фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Шунингдек, **Оила кодексининг 226-моддасида:** фуқаронинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси ўн олти ёшга тўлгандан кейин ўзи яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган.

**Қуйидаги ҳолатларда фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш мумкин:**

“Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига биноан;

суднинг ҳал қилув қарори асосида;

агар фамилия ва исм эшитилишда ёқимсиз бўлса;

агар фамилия ва исм миллатига тўғри келмаса;

хоҳишга қараб никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

оила учун умумий фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида ер-хотин умумий фамилия қабул қилилмаган бўлса);

16 ёшга тўлган шахсга оталикни белгилашда кўриб чиқилади.

**Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:**

1. ариза берувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;
2. агар ариза берувчи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, агар никоҳдан ажратилган бўлса — никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномаси;
3. агар ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари;
4. ариза берувчининг паспортдан ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатидан кўчирма;
5. агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомийнинг аризаси;
6. 1 дона (3x4 ўлчамли) фотосурат.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси

**Интернет сайтлари**

[Http://www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти).

[Http://www.sud.uz](http://www.sud.uz). (Ўзбекистон Республикаси Олий Суд сайти).